

Абдусодиқ ИРИСОВ

ЧАҲОРЕРЛАР



**Шарқда тўрт буюк халифа —
чаҳорёрларнинг тарихи тилдан-тилга ўтиб
достон бўлиб келган ва кўп ривоятлар тарқалган.
Шарқшунос олим Абдусодиқ Ирисов қаламига
мансуб ушбу рисолада ана шу тўрт буюк сиймо
хусусида ҳикоя қилинади.**

Маъсул муҳаррир:
фалсафа фанлари доктори
МУТАЛЛИБ УСМОНОВ

Такризчи:
Иордания Қироллик академияси
ва Ўзбекистон Халқ академиясининг аъзоси,
халқаро Ибн Сино мукофотининг соҳиби
ШАМСИДДИН БОБОХОНОВ

Ношир: ОҚИЛХОН ОДИЛХОН

0501000000-3 — 638

И -----рез.93

М 355 (04) — 93

ISBN 5-648-01954-8

© «Элсано» ЛТД

Абдусодиқ ИРИСОВ

ЧАҲОРЕРЛАР

**МАШҲУР ТЎРТ ХАЛИФА
ҲАҚИДА РИСОЛА**

Тошкент – 1993
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг “Фан” нашриёти

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ!

Муҳаммад пайғамбардан кейинги дастлабки тўрт халифа исломнинг кенг тарқалишига асосий роль ўйнаган кишилар эдилар. Уларнинг номларини зикр қилиш билангина кифояланиб қолмай, балки улар ҳақида кенгроқ маълумотлар тарқатиш Ислому маърифат аҳлининг бурчига айланиб қолган.

Бу ерда зикр қилинадиган тўрт халифа ҳақида Муҳаммад пайғамбарнинг ҳадислари ҳам бор. «Ҳақ таоло, — дўстларимни бутун инсонларга фазилатли қилиб яратган. Бу дўстларим ичида тўрт киши — Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алининг фазилатларини юқори этди. Уларни дўстларимнинг энг яхшиси қилди*. Яна бошқа ерда келтирилган ҳадиси шарифда «дўстларим гўё юлдузлар сингарилар. Қайси бирига эргашсангиз, тўғри йўлни топурсиз», дейдилар.

Биринчи ҳикоямиз — хулафойи рошидийн — тўғри йўл кўрсатувчи халифаларнинг аввалгиси саналмиш Абу Бакр ас-Сиддик ҳақида.

Абу Бакр ас-Сиддик



Ислом оламида Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳи вассалломдан сўнг энг машхур йирик сиймо — Абу Бакр ас-Сиддиқийдир. Унинг асл исми Абдуллоҳ ибн Абу Куҳофадир. Исломни дастлаб қабул қилган ва кейинчалик унинг йирик намояндаларидан бири бўлиб қолган зот — шу Абу Бакр пайғамбарга ўта содиқ, ўта фидокор кишилардан бўлган. Унинг ҳаёт йўли бошқаларга кўп жиҳатдан ўрнак бўладиган, руҳи тетик, юриш-туриши ибратомуз, садоқатпарвар, кўпчиликнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлган.

Абу Бакр милодийнинг 572 йилида Маккада дунёга келиб, 634 йили вафот этади. Исломдан олдинги номи унут бўлиб, унга Муҳаммад пайғамбар берган ном — Абдуллоҳ билан аталиб яшади. Отасининг оти Усмон, унинг куняси Абу Куҳофа деб машхур бўлган. Онасининг оти Салма, унинг куняси Ум-ул-хайр (яхшилиқ онаси)дир. Абу Бакр аслида пайғамбаримиз билан илк суҳбат қурганлардан бири бўлиб,

тонгги намозни доимо у киши билан бирга бажо келтиргани учун Абу Бакр (Тонг отаси) деб аталади.

Бу кишига ҳурматан айтиладиган гаплардан бири шуки, унга пайғамбар доим: «Сен Аллоҳнинг жаҳаннамдан узоқлаштирилган бандасисан. Кимки жаҳаннам ўтидан узоқ турувчи бир кишини кўрмоқ истаса, Абу Бакрнинг юзига қарасин!»— дер эканлар.

У киши жуда тўғри сўз, пайғамбарга ғоят содиқ бўлганидан ҳамда пайғамбар ҳадисларини борича, ўзидан бирор сўз қўшмай нақл этганлигидан «Сиддик» («тўғри») деб аталган. Абу Бакр Сиддик Исломни қабул қилмасидан илгари ҳам ўзининг одамларга меҳр-оқибати, камбағалларга кўмакдош, уларга шафқат ва марҳамати билан танилган киши эди.

Жоҳилият даврида кўпчилик одамлар санамларга сиғинар, сиғинмайдиганлари эса бармоқ билан санарли бўлган. Ана шундай «бармоқ билан саналадиган» шахсларнинг бири Абу Бакр эди. Китобларда нақл этишларича, бу киши у даврда санамларга сиғинганлардан ҳатто нафратланиб юрар эканлар.

Исломдан аввал Абу Бакр Мақка шаҳрида «хун»ни олиб берадиган бир лавозимда бўлган. Бунда кимки бировни ўлдириб қўйса, ўлдирганнинг жазосини белгилаш, қотил ўлдирилган одам ҳаққини тўлаши ёки даъвогар қотилни ўлдириши керак эди. Бордию икки томон келиштирилгудай бўлса, у ҳолда маблағ тўлаб қутулиш ҳам мумкин эди. Бундай маъсулиятли ишнинг бошида ўта адолатли, сермулоҳаза киши туриши лозим кўриларди. Абу Бакрдай инсофли, тадбиркор кишининг бундай катта аҳамиятга молик ишга бош-қош бўлиши эса кўпчиликнинг манфаатига мос келар эди.

Сақланиб қолган маълумотларга кўра, Абу Бакр исломдан олдинлари ҳам пайгамбар билан лозим дўст эди, улар биргаликда савдо карвонларида саёҳатда ҳам бўлганлар.

Бир куни Абу Бакр туш кўрибди. Қараса бир тўлин ой кўкда сузиб юрибди. Кўз тикиб турса, ўша ой Мақка шаҳри томон сузиб келибди, кейин у кичик-кичик шуълаларга айланиб, парчаланиб, бутун шаҳардаги уйларга кириб кетибди. Ҳайрон бўлиб қараб турганича кетибди. Тушини баъзи дўстларига сўзлаб ҳам берибди. Улар Абу Бакрга яқин келажакда

Маккада муҳим бир ҳодиса юз бериши кераклиги, бунда унинг ҳам улуши бўлажаги, бу тушни кўриш насиб бўлганидек, юз берадиган ўша ҳодисаларда ҳам бу кишининг насибаси борлигини айтибди.

Китобларда нақл қилинишича, пайғамбаримизга ваҳий келган кезларда Абу Бакр тижорат иши билан Яман томонга кетган бўлади. Сафардан қайтгач, Абу Бакр билса, одамлар орасида миш-миш тарқалган, ҳамманинг оғзида пайғамбар, унга ваҳий келганлиги ва у кишининг душманлари Абу Бакрни у кишидан совитиш мақсадида ҳар хил бўхтонларни тарқатаётган экан. Улар Абу Бакрни мусулмон бўлишдан қайтариш тадорикини кўриб шундай сиёсат тутаётган эканлар.

Аmmo Абу Бакр ас-Сиддиқнинг фикр қилиш тарзи ўзига хос эди, мулоҳаза доираси кенг, довюрак киши эди. У сафардан қайтгач, бўлган воқеани одамлардан суриштирди.

— Мен йўғимда нима бўлдию, қандай ҳодиса юз берди,— деб суриштирди.

— Йўғингда қизиқ ҳодисалар юз берди, бундан сенинг хабаринг йўқ. Абу Толибнинг еtimi Муҳаммад пайғамбарлик даъвосини

қилиб юрибди,— деган жавоб олди.

— Тўхта, тўхта, бу давони кимдан эшитдинг?— деб сўради у.

- Муҳаммаднинг ўзи гапирди,— дейишди.

- Рост,— деди бошқаси,— ўзи шундай деб санамларимизни ёмонлаб юрибди.

- Унинг ўзи сўзлади, дедингми?— деб қайтадан сўради Абу Бакр.

- Ҳа, ўзи гапирди, ўз қулоғим билан эшитдим,— деди у.

- Агар ўзи айтган бўлса — тўғридир, ҳозир қаерда у киши?— деб сўради Абу Бакр.

- Ўзининг уйида,— дейишади.

Абу Бакр кийиниб, дарҳол дўсти ҳузурига отланди.

У киши билан ҳол-аҳвол сўрашиб туриб:

- Пайғамбар бўлганинг тўғрими?— деб сўради.

- Ҳа, тўғри, Абу Бакр, мен сенга ва сен каби инсонларга элчи бўлдим. Одамларни Аллоҳга ибодат қилишга ва санамларга сиғинмасликка даъват этмокчиман.

Абу Бакр бир дам хаёлга чўмиб турдию Аллоҳдан Муҳаммадга ваҳий келганини эшитиб дарҳол имон келтирди. Шу билан у киши исломни биринчи қабул қилган улуғ зот бўлди.

Абу Бакрнинг ўша давр мезонига кўра қирк минг дирҳам жамғармаси бор эди, бу давлатнинг ҳаммасини ислом учун сарф этинг, деб пайғамбарга топширди. У исломни қўллаб-қувватлаб, ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беришга киришди. Ҳатто унинг воситаси ва саъю-ҳаракати натижасида бир қанча маккаликлар исломни қабул қилдилар. Булардан бир қисми, чунончи, Усмон ибн Аффон, Талха бин Убайдуллоҳ, Саъд ибн Абу Раққос Абу Убайд ибн Жарроҳ, Зубайр ибн Аввом, Абдурраҳмон ибн Авф кабилар ислом тарихида муҳим хизматлар кўрсатган буюк зотлар саналади. Абу Бакр воситаси билан яна қанчадан-қанча кишилар исломни қабул қилдилар. Шу билан бирга муҳолиф кучлар ҳам жим турмас, улар ҳам исломга кирганларни бу йўлдан қайтариб, уларни ўзлари юрган нотўғри йўлга солишга уринар ва бу йўлда бор кучларини, молу дунёларини сарф этар эдилар.

Исломни барқарор этиш иши учун пайғамбаримизнинг уйларида йиғилиш қилинар эди. Бу хил йиғилишлар жаноби пайғамбаримиз раҳбарликларида Абу Бакр воситаси билан тўпланар ва исломни янада кенг ёйиш режалари тузилар эди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3576> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3576> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3576>